

16. Qurbanov, Z., & Isaev, F. (2017). Иқтисодий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. *Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar*, (1), 321–328. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9190
17. Исаев, Ф. (2021). Совершенствование методики расчета налоговой нагрузки. *Экономика и образование*, (6), 86–91. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/286>
18. Исаев Ф. Камерал солиқ тегирувларини ўтказишда солиқ таҳлиладан фойдаланишни такомиллаштириш // *Экономика и образование*. – 2021. – №. 4. – С. 172-176.
19. Курбанов З.Н., Исаев Ф.И. Налоговый анализ как новое направление экономического анализа // *актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения организации*. – 2017. – С. 246-254.
20. Isaev, F. (2017). Солиқ имтиёзларининг солиқ юки кўрсаткичига таъсири таҳлили. *Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar*, (6), 294–301. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9579
21. Исаев Ф. И. Солиқларни таҳлика-таҳлил қилиш методикаси. // *Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар*” илмий-электрон журнали. – 2021.
22. Исаев, Ф. (2022). Солиқ таҳлилининг ўрганиш зарурати. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/720>
23. Курбанов З., Исаев Ф. Солиқ ҳисоби ва солиқ ҳисоботининг баъзи масалалари // *Экономика и образование*. – 2022. – Т. 23. – №. 4. – С. 190-196.
24. Isaev, F. (2021). Мол-мулкни солиққа тортишни такомиллаштириш. *Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar*, (6), 326–333. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12224
25. www.oecd.org



https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a42

ЁҒ-МОЙ САНОАТИ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА УЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОСҚИЧЛАРИ ТАСНИФИ

Боронов Бобур Фарходович – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти докторанти, и.ф.ф.д. (PhD)

Аннотация. Мақолада ёғ-мой саноати тармоқлари маҳсулотлари ва уларнинг таркибий қисмлари, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, кунгабоқар ёғи ишлаб чиқариш технологияси, шунингдек, ёғ-мой саноати корхоналарида ишлаб чиқариш босқичлари ва уларнинг таснифи каби масалалар ёритилган.

Калит сўзлар: ёғ-мой саноати, ёғ-мой маҳсулотлари, асосий маҳсулот, ёндош маҳсулот, ишлаб чиқариш жараёни, ишлаб чиқариш босқичлари, асосий ишлаб чиқариш, молиявий ҳисобот.

ПРОДУКЦИЯ МАСЛОЖИРОВОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ И КЛАССИФИКАЦИЯ ЭТАПОВ ИХ ПРОИЗВОДСТВА

Боронов Бобур Фарходович – докторант Самарқандского института экономики и сервиса, д.ф.э.н. (PhD)

Аннотация. В статье освещены такие вопросы, как продукты масложировой промышленности и их компоненты, особенности процесса масложирового производства, технология производства подсолнечного масла, а также этапы производства на предприятиях масложировой промышленности и их классификация.

Ключевые слова: масложировая промышленность, масложировая продукция, основной продукт, побочный продукт, производственный процесс, этапы производства, основное производство, финансовая отчетность.

PRODUCTS OF THE OIL AND FAT INDUSTRY AND CLASSIFICATION OF THE STAGES OF THEIR PRODUCTION

Boronov Bobur Farkhodovich – doctoral student of Samarkand institute of economics and service, PhD

Abstract. The article highlights such issues as fat-and-oil industry products and their components, features of the fat-and-oil production process, sunflower oil production technology, as well as production stages at fat-and-oil industry enterprises and their classification.

Keywords: oil and fat industry, oil and fat products, main product, by-product, production process, production stages, main production, financial statements.

Кириш. Бугунги кунда республикамизда ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш бўйича қатор ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, 2022 йил 24 январда Президентимизнинг “Республикада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори [1]нинг қабул қилинганлиги мамлакатимизда ишлаб чиқариш соҳасига берилаётган эътибордан дарак беради. Мазкур қарорда кўзланган асосий мақсад мамлакат ҳудудларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, уларнинг яхлит тизимини яратиш, шунингдек, ташқи инвесторларни жалб қилиш бўйича кўмаклашиш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш ҳисобланади.

Бугунги иқтисодий глобаллашув шароитида корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини тўғри ташкил этиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳисобда тўғри акс эттириб бориш ва бошқарув қарорларининг ўз вақтида қабул қилиниши учун ахборот фойдаланувчиларни зарур ахборот билан таъминлаш бухгалтерия ҳисоби соҳасида муҳим аҳамиятга эга. Корхоналарда ўз вақтида аналитик ҳисоб маълумотларига эга бўлиш ва ушбу маълумотлар асосида тўғри бошқарув қарорларини қабул қилиш корхоналарда маҳсулот таннархини тўғри шакллантириш жараёнларини самарали бошқариш имконини беради. Бундай иқтисодий жараёнлар эса ишлаб чиқариш ҳисоби олдидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Хўжалик юритувчи субъектларда, хусусан, ёғ-мой саноатида ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва уларнинг ҳисобини юритиш бўйича маълум илмий натижаларга эришилган. Жумладан, хорижий олимлардан Т.А.Шильцова, А.В.Лукомец, Ш.Т.Досаевалар, мамлакатимиз олимларидан эса Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Ғафуров, М.М.Халиковаларнинг тадқиқот ишлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бухгалтерия ҳисобининг назарий асосларини такомиллаштириш, хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқариш жараёнларини тўғри ташкил этиш ҳамда маҳсулот таннархига кетадиган харажатларни аниқлашга хизмат қилиб, корхона раҳбарларининг бошқарув қарорларини қабул қилишларига кўмаклашади.

Хорижий олим Т.А.Шильцова: “Ёғ-мой корхоналарида қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришни комплекс бошқаришнинг самараси режаларнинг ишончилиги, ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг янада аниқроқ истиқболи, тармоқлараро аҳамияти билан белгиланади” [2], – деб таъкидлайди.

А.В.Лукомец: “Кунгабоқар ишлаб чиқариш самарадорлиги маълум даражада озиқ-овқат си-

фати ва маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлашда капитал харажатлари бирлигига фойда кўринишидаги якуний натижадир” [3], – деб таъкидлаган.

Республикамиз олимларидан Ш.Шодмонов ва У.Ғафуровлар: “Ишлаб чиқариш – кишилик жамиятининг мавжуд бўлиши ва ривожланиши учун зарур бўлган ҳаётий неъматларни яратиш жараёни. Барча товар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнида яратилиши сабабли у такрор ишлаб чиқаришнинг энг асосий ва бошланғич фазаси ҳисобланади. Агар ишлаб чиқарилмаса, тақсимланадиган, айирбошланадиган ва ниҳоят, истеъмол қилинадиган нарсалар бўлмайди” [4], – деб тавсифлайдилар.

М.М.Халикова: “Бугунги кунда республикамизда соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш ва кенг турдаги ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мазкур тармоқдаги мавжуд тизимли муаммоларга барҳам бериш бозорни сифатли, хавфсиз, арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш ва бутун мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг энг муҳим шarti ҳисобланади” [5], – деб таъкидлаган.

Тадқиқотлар турли ахборот манбаларида ишлаб чиқариш бўйича берилган таъриф ва тавсифларни ўрганиб чиқишни тақозо этди:

“Ишлаб чиқариш муносабатлари – кенг маънода ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида бажарадиган вазифаларига боғлиқ ҳолда шаклланадиган муносабатлар (мулкдорлар, тадбиркорлар, бошқарувчилар, хизматчилар, ёлланма ходимлар, [деҳқонлар](#) ва бошқалар); [тор](#) маънода кишилар ўртасида моддий бойликларни ишлаб чиқариш, айирбошлаш, [тақсимот](#) ва [истеъмол](#) жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар” [6].

“Ишлаб чиқариш даври – меҳнат предметлари (хомашё, материаллар)нинг муайян маҳсулотни тайёрлашнинг бошланишидан то тайёр [маҳсулот](#) қилиб чиқаришгача ишлаб чиқариш жараёнида бўлиши даври, [ишлаб чиқариш](#) вақтининг таркибий қисми.

Маҳсулот ишлаб чиқариш даври – иш даври (тайёр маҳсулот олиш учун кетган [вақт](#)) ва ишлаб чиқариш жараёнидаги танаффуслар (операциялар орасидаги [давр](#) ва сменалар ўртасидаги вақт)дан иборат” [7].


“Ишлаб чиқариш-техника назорати – [саноат](#) корхоналарида [маҳсулот](#) сифатини назорат қилиш юзасидан бажариладиган хизматлар мажмуи. Техник назорат ишлаб чиқаришнинг барча қисмлари (хомашё, материаллар, ёқилғи, яримтайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар, технологик жараёнлар, асбоблар, дастгоҳлар, ускуналар, тайёр маҳсулотлар ва ҳоказо)да амалга

оширилади. Назорат қилинадиган **объект** хусусиятига кўра, назоратнинг кузатиб назорат қилиш, механик хусусиятларни назорат қилиш, кимёвий таҳлил, металлграфик тадқиқотлар ўтказиш, синаб кўриб назорат қилиш ва бошқа усуллари **бор**" [8].

Хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан ҳамда ахборот манбаларида келтирилган юқоридаги таъриф ва тавсифлар корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш ва ривожлантиришга хизмат қилади. Шундай бўлсада, тадқиқот давомида аниқ бўлдики, бугунги кунда ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнлари, уларни ташкил этиш ва ҳисобга олиш бўйича аниқ илмий изланишлар олиб борилмаган бўлиб, ушбу йўналишда чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш бугунги кун талаби ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнининг аҳамияти, корхоналарда ушбу жараёнларни тўғри ташкил этиш ҳамда ҳисобда акс эттириш масалаларини ёритиш мақсадида олиб борилган тадқиқот ишида илмий абстракциялаш, иқтисодий таҳлил, монографик кузатув, қиёслаш, индукция ва дедукция каби тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Дунё мамлакатлари ёғ-мой саноатида ишлаб чиқариш тузилмаси иккита асосий қисмдан иборат бўлиб, ёғ-мой ишлаб чиқариш ва ёғ-мой маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш тармоқларига бўлинади. Корхоналарда ишлаб чиқариладиган барча ёғ-мой маҳсулотлари мана шу иккита тармоқнинг таркибига кириб, уларни қуйидаги расм орқали кўриш мумкин (1-расм):



1-расм. Ёғ-мой саноатида ишлаб чиқариш тармоқларининг таснифи

Манба: тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Ушбу расмдан кўриш мумкинки, ёғ-мой саноатида маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёни иккита тармоқда амалга оширилиб, ўз навбатида, биринчи тармоқда яратилган маҳсулотлар иккинчи тармоқ маҳсулотлари учун асосий хомашё вазифасини бажаради. Демак, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёни дунё саноатида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, тадқиқот ишида, биз, айнан ушбу тармоқ

фаолияти бўйича тадқиқот ишлари олиб бордик.

Тадқиқот давомида хорижий мамлакатларда ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнлари билан ҳам танишиб чиқдик. Олиб борилган тадқиқот натижасида аниқ бўлдики, мамлакатимиз корхоналарида хорижий давлатлар ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарининг жорий қилинганлиги ҳамда айнан хорижий мамлакатлар ишлаб чиқариш

технологияларидан фойдаланилганлиги боис ишлаб чиқариш жараёни бир хил амалга оширилади. Ушбу жараённи, кунгабоқар ёғи ишлаб

чиқариш жараёни мисолида кўриб чиқамиз (2-расм):



2-расм. Кунгабоқар ёғи ишлаб чиқариш технологик жараёни [9]

Кунгабоқар хомашёсини қайта ишлаш жараёнидан кўришимиз мумкинки, кунгабоқар ёғи ишлаб чиқариш жараёни худди пахта ёғи ишлаб чиқариш жараёни билан ўхшаш бўлиб, ушбу жараён бир нечта босқичларда амалга оширилади. Шунингдек, олиб борилган тадқиқот натижалари асосида айтишимиз мумкинки, мамлакатимиз ва хорижий давлатларда фаолият кўрсатаётган ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарининг технологик жараёнлари қарийб бир хил ҳисобланади.

Демак, корхоналарда ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш бир неча босқичлардан иборат бўлади. Ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарида асосий ишлаб чиқариш бўлимларига ишлаб чиқариш, рафинация, экстракция, дезодорация, қадоқлаш бўлимлари киради. Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида сарфланган хомашё ва материаллар ҳамда хизматлар ҳар бир бўлим бўйича алоҳида ҳисобга олинади. Ушбу бўлимларнинг ҳар бирида маҳсулотлар турли жараёнларни босиб ўтади. Корхоналарда ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш куйидаги жараёнлардан ташкил топади:

Экстракциялаш хомашё таркибидаги маҳсулотларни турли хил кимёвий модда ва эритмалар ёрдамида ажратиб олиш жараёни бўлиб, ушбу жараёндан сўнг асосий ёғ-мой маҳсулотлари олинади.

Рафинациялаш хомашёни қайта ишлаш натижасида олинган яримтайёр маҳсулотни тозалаш бўлиб, ушбу жараёндан сўнг яратилган маҳсулот тайёр маҳсулот сифатида тан олинади.

Дезодорациялаш рафинацияланган ёғ-мой маҳсулотининг сифатини яхшилаш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнида бошқа ёрдамчи материаллардан фойдаланиш натижасида маҳсулотнинг ҳидини тозалаш.

Ушбу жараёнлар ёғ-мой маҳсулотлари корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнида узлуксиз қатнашиб, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқишда муҳим ҳисобланади.

Ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнида хомашё турига қараб турли хил озиқ ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари олинади. Ишлаб чиқариш жараёнида олинган маҳсулот кўрсаткичлари ҳам хомашё тури ва сифатига боғлиқ. Мисол, сифатли пахта техник чигитидан 20 %гача, кунгабоқар донидан 50 %гача, соя дуккагидан 14 %гача ёғ олинishi мумкин[10].


Ёғ-мой ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига хос хусусияти шундаки, бир ишлаб чиқариш цехида хомашёни ишлаб чиқаришдан олинган маҳсулотлар бошқа бир цехга қайта ишлаб чиқаришга берилади ва яна бошқа турдаги тайёр ва яримтайёр маҳсулотлар олиниб, булар бир нечта ишлаб чиқариш босқичлари орқали амалга оширилади.

Тадқиқот давомида ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонасида пахта техник чигити хомашёси бўйича ишлаб чиқариш жараёнининг босқичлари ва уларда маҳсулотлар ҳолатини ўрганиб чиқиш тақозо этилади. Шу боис, биз, ишимизда ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнини

тўртта босқичга ажратган ҳолда ҳисобга олишни лозим, деб топдик (ишлаб чиқариш натижасида яратилган маҳсулотларнинг фоиз кўрсаткичлари корхонанинг техник назорат (лаборатория) бўлими маълумотларидан олинган бўлиб, ушбу кўрсаткичлар хомашёнинг сифатига қараб ўзгаради).

Ишлаб чиқаришнинг **биринчи босқичи** асосий ишлаб чиқариш ва экстракция цехларида амалга оширилади. Ушбу жараёнда пахта техник чигити хомашёсини қайта ишлов бериш натижасида 34 %гача пахта шелухаси, 16 %гача қора ёғ ва 45 %гача кунжара маҳсулотлари олинади. Ушбу жараёнда табиий йўқотиш нормаси

4,8 %гача бўлиб, хомашёнинг намлиги, ифлосланиш даражаси ва бошқа сифат белгилари ҳисобидан юзага келади. Ушбу маҳсулотлар ичида фақатгина пахта шелухаси сотиш учун мўлжалланган тайёр маҳсулот ҳисобланиб, қолган маҳсулотлар яна қайта ишлаб чиқариш объекти ҳисобланади. Жумладан, асосий ишлаб чиқариш цехида пайдо бўлган қора ёғдан рафинацияланмаган пресс пахта ёғи, шунингдек экстракция цехида кунжара маҳсулотини қайта ишлаш натижасида унинг таркибидан 93 %гача шрот ва 7 %гача рафинацияланмаган экстракция пахта ёғи олинади.



3-расм. Пахта техник чигити бўйича ишлаб чиқариш босқичлари

Манба: ёғ-мой корхоналари маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Демак, ушбу босқичда 19 %гача рафинацияланмаган ёғ, 43 %гача шрот ва 34 %гача пахта шелухаси маҳсулоти олинади. Ушбу ишлаб чиқариш босқичида пахта шелухаси ва шрот каби ёндош маҳсулотлар олинди, сотиш учун мўлжалланган асосий маҳсулот турлари олинмайди.

Ишлаб чиқариш жараёнининг **иккинчи босқичи**да корхонада ишлаб чиқарилган ярим-тайёр маҳсулотлар рафинацияланади, яъни тозаланади. Ушбу жараёндан сўнг рафинацияланмаган экстракция пахта ёғидан 9,4 %гача соапсток ва 89 %гача рафинацияланган экстракция пахта ёғи олинади. Рафинацияланмаган пресс пахта ёғидан ҳам худди экстракция ёғи каби 9,4 %гача соапсток ва 89 %гача рафинацияланган, ҳидсизлантирилмаган пресс пахта ёғи олинади. Ушбу жараёнда 1,6 %гача табиий йўқотиш нормаси мавжуд. Ушбу босқичда ишлаб чиқарилган барча маҳсулотлар тайёр ҳисобланса-да, пахта соапстоғидан бошқа барча маҳсулотлар уларнинг сифатини янада яхшилаш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнининг кейинги босқичларига қатнашади. Пахта соапстоғи эса қайта ишлаб чиқариш учун кейинги босқичларга берилмай, шу маҳсулот кўринишида сотиш учун мўлжалланган бўлади ва асосий оморга топширилади.

Учинчи босқичда рафинация цехидан олинган маҳсулотлар дезодорация цехида ишлаб чиқариш натижасида ҳидсизлантирилади. Экстракция пахта ёғидан олинган рафинацияланган ёғнинг сифати рафинацияланган пресс пахта ёғининг сифатидан паст бўлади. Рафина-


цияланган экстракция пахта ёғидан 99,75 % рафинацияланган, ҳидсизлантирилган пресс пахта ёғи 1-нав ва рафинацияланган, ҳидсизлантирилмаган пресс пахта ёғидан эса 99,75 % рафинацияланган, ҳидсизлантирилган пресс пахта ёғи олий нав маҳсулоти олинади.

Тўртинчи босқичда маҳсулотнинг таркиби ва сифатига ҳеч қандай таъсир кўрсатилмайди, балки уларнинг нави бўйича қадоқланади. Қадоқлаш босқичида маҳсулотнинг бозордаги талабидан келиб чиқиб, турли хил ўлчамли идишларда қадоқланади. Натижада ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларидан ўтган ва сотиш учун мўлжалланган “Пахта ёғи” олий нав пресс. рафинацияланган, ҳидсизлантирилган қадоқланган ёғ ва “Пахта ёғи” 1-сорт пресс. рафинацияланган, ҳидсизлантирилган қадоқланган ёғ каби асосий маҳсулотлар олинади.

Юқорида келтирилган ишлаб чиқариш босқичларини қуйидаги расм орқали ифодаландик (3-расм):

Ушбу расм маълумотларидан кўриш мумкинки, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёни тўртта босқичда амалга оширилади. Ушбу жараёнларда маҳсулотлар бир босқичдан бошқа босқичга ўтганда, уларнинг сифати ва таркиби ўзгариб боради. Ишлаб чиқариш босқичларидан кўриш мумкинки, биргина пахта чигити хомашёсидан бир нечта турдаги асосий, ёндош ва ёрдамчи маҳсулотлар олинади.

Демак, пахта чигити хомашёсини қайта ишлаш жараёнида олинандиган ёғ-мой маҳсулотларининг улуши қуйидагича бўлади (4-расм):



4-расм. Пахта техник чигитидан олинандиган ёғ-мой маҳсулотларининг улуши

Манба: ёғ-мой корхоналари маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Расм маълумотлари асосида кўриш мумкинки, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарининг асосий фаолиятлари ёғ ишлаб чиқаришга қаратилган бўлса-да, бироқ ёндош маҳсулот ҳисобланган пахта шелухаси ва шротини ишлаб чиқариш асосий маҳсулотга нисбатан кўпроқ ҳиссани ташкил этмоқда. Шун-

дай бўлса-да, асосий, ёндош ва ёрдамчи маҳсулотларнинг барчаси ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарида тайёр маҳсулот сифатида тан олинади.

Хулоса ва таклифлар. Ёғ-мой саноати корхоналарида маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнлари ва ишлаб чиқариш босқичларининг

таснифи бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келинди ва илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ушбу жараёнларни тўғри ташкил этиш ва ҳисобини юритиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Битта хомашё туридан бир нечта турдаги сотиш учун мўлжалланган тайёр маҳсулотлар олиниши, ушбу ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради.

2. Тадқиқот давомида ёғ-мой саноати тармоқлари маҳсулотлари икки бўлимга ажратилди: ёғ-мой ишлаб чиқариш тармоқлари маҳсулотлари ва ёғ-мой маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш тармоқлари маҳсулотлари. Ёғ-мой саноатининг ушбу тармоқларида ишлаб чиқариладиган ёғ-мой маҳсулотларининг таркиби белгилаб берилди.

3. Хорижий давлатлар ва мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологик жараёнлари ўрганиб чиқилганда аниқ бўлдики, мамлакатларда ушбу жараёнлар ўхшаш ҳисобланади.

4. Олиб борилган тадқиқот натижасида ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини тўртта босқичга ажратиш таклиф этилди, улар жумласига: асосий ишлаб чиқариш, тозалаш, ҳидсизлантириш ва қадоқлаш босқичлари. Ушбу босқичларда маҳсулотлар ўзининг сифати ва тузилишини ўзгартириб, бухгалтерия ҳисобида ҳам турлича тан олинади. Хусусан, ишлаб чиқариш жараёнининг иккинчи босқичидан ўтган ва тайёр маҳсулот сифатида тан олинган “Рафинацияланган экстракция пахта ёғи” кейинги босқичларда яримтайёр маҳсулот сифатида топширилади ва ҳисобда тан олинади. Тадқиқот давомида ушбу жараёнлар расм кўринишида ифодаланди.

Бизнинг фикримизча, биз томонимиздан ушбу эришилган натижалар, хусусан, ёғ-мой ишлаб чиқариш жараёнларини тўртта босқичга ажратиш ёғ-мой саноати корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини тўғри ташкил этиш, маҳсулот таннархини калькуляция қилиш, уларни ҳисоб ва ҳисобот шаклларида аниқ акс эттиришга ёрдам беради, деб ҳисоблаймиз.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 2022 йил 24 январь. ПҚ-99-сон.
2. Шильцова Т.А. Комплексное управление производством побочной продукции предприятий масложировой промышленности. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Краснодар, 2006. – 26 с.
3. Лукомец А.В. Эффективность и устойчивость производства подсолнечника (по материалам Краснодарского края). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. –Краснодар, 2013. --25 с.
4. Шодмонов Ш.Ш., Фафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. 2009. – 579 б.
5. Халикова М.М. Озиқ-овқат ёғлари бозорида маркетинг тадқиқотларини ўтказишни тадқиқ этиш. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали. 2021, 6-сон, ноябрь-декабрь.
6. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/ishlab-chiqarish-munosabatlari-uz/>
7. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/ishlab-chiqarish-tsikli-uz/>
8. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/ishlab-chiqarish-texnika-nazorati-uz/>
9. <https://proiz-teh.ru/maslo-zhir.html>
10. Ёғ-мой корхонасининг техник назорат (лаборатория) бўлими маълумотлари.



“НАМАНГАН ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА ХИЗМАТЛАРИ” КЛАСТЕРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИ

Усубжонов Захриддин Васлиддан ўғли - таянч докторант, Наманган муҳандислик-технология институти, Маркетинг кафедраси

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a43

Аннотация. Мақолада “Наманган вилоятида қурилиш материаллари ва хизматлари” кластерини шакллантириш омиллари тадқиқ этилиб, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва савдоси, қурилиш хизматлари, лойиҳалаш, фан, таълим ва турдош соҳаларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш йўллари аниқланган. Вилоятда фаолият юритаётган қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи субъектлар, лойиҳа ташкилотлари, қурувчи фирмалар ва маҳаллий давлат органлари масъул бўлимларининг кластерлаштиришдаги роли таҳлил этилган.

Калит сўзлар: кластер, саноат кластери, қўшимча қиймат занжери, технопарк, интеграл локализация коэффициенти, илмий блок, муҳандислик инфратузилмаси.